

**Белолипов И., Қодирхўжаев О., Нурмухамедов А., Абзалов А., Махмудов З.
CYNARA SCOLYMUS L. НИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА МАЪДАН
ОЗИҚЛАНИШНИНГ ТАЪСИРИ**

Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: akmal.38@yandex.ru

Ишнинг мақсади: маълумки, синтетик дори препаратлари билан бир қаторда, доривор ўсимликлар, шу жумладан тиканли артишок ҳам ашёсидан ҳам дори воситаларини тайёрлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки *Cynara scolymus* нинг ҳўл массаси таркибида 18% протеин, 15% оксил, 1,92% инулин, турли витаминлар ва бошқа органик моддалар учрайди (Рагимов 1950, 1969; Хайдаров, 1967, 1971, 1972). Табобатда тиканли артишокдан жигар, буйрак, қанд ва бошқа касалткларни даволашда фойдаланилади (Нуралиев, 1988; Медведов, 1981). Шу мақсадларда мазкур ўсимликни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Усуллар: тадқиқотлар Самарканд Давлат Университети ва Тошкент фармацевтика институтининг тажриба участкаларида бажарилди. *Cynara scolymus* L. нинг ҳўл вазни ҳамда унинг кимёвий тақибини текшириш ишлари Ўзбекистон қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг «Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси» лабораторияси ва Тошкент фармацевтика институтида ўтказилди. Азот, протеин, каротин, инулин, углеводлар, ёғ, қуруқ моддалар ва қул моддаларининг миқдори В.А.Аликаев, Е.А.Петухов, Л.Д.Халенков (Абрамова З.В, 1969) усуллари ёрдамида аниқланди. Кимёвий таҳлилларни Н.А.Лукашик, В.А.Тащилинлар (1976) тақлиф этган усулларда ўтказилди.

Натижалар: тажриба натижаларининг кўрсатишича, суғориладиган майдондаги барча вариантларда унинг ер устки органларининг таркибида гуллаш фазасида ҳам протеин, ёғ эса мевалаш фазасида ва уруғларнинг пишиш фазаларида юқори бўлиши аниқланди (жадвал 3.18.1). Вегетациянинг бошланиши ва мевалаш фазаларида ҳам протеин, ёғ эса вегетациянинг бошланиши ва уруғларнинг пишиш фазаларида энг кам миқдорда тўпланиши кузатилди. Суғорилмайдиган майдондаги ўсимликларда ҳам гуллаш фазасида ҳам протеин, ёғ эса ғунчалаш, гуллаш ва мевалаш фазаларида кўп миқдорда бўлиши кузатилди. Аксинча, вегетациянинг бошланиши ва уруғларнинг пишиши фазаларида ҳам протеин ҳамда ёғ кам тўпланиши аниқланди. Тадқиқотларимиз натижаларидан мазкур ўсимликни етиштиришда азотли ўғитларнинг қўлланилиши унинг ер устки қисмлари таркибида протеин ва ёғнинг миқдорини сезиларли даражада ортишига ёрдам берганлигини кўриш мумкин. Бунда аммоний селитрасининг таъсири мочевина ва аммоний сульфат ўғитларига нисбатан узоқ давом этмаганлигини кўриш мумкин. Бунинг сабабини аммоний селитрасини ўсимликларни суғорилганда тезлик билан нитрификацияга учраши натижасида NH_4 ва NO_3 ионларига парчаланганлигида деб тушуниш мумкин. Шунинг учун ҳам бу ўғитдан айниқса суғорилмайдиган майдонда, ўсимлик самарали фойдалана олмайди. Бундан ташқари тадқиқотларимизда барглارнинг таркибида фруктоза ва инулин моддасининг тўпланиши кузатилади. Тажриба натижаларига кўра суғориладиган майдондаги ўсимликларда фруктоза 16,0-19,0 мг%, инулин 6,66-8,64% гача тўпланар экан. Суғорилмайдиган майдонда 14,8-17,4 мг фруктоза, 5,40-7,20% инулин моддаси бўлади. Бу олинган натижалар *Cynara scolymus* нинг ҳўжалик аҳамияти катта эканлигидан далолат беради. Тадқиқотларнинг натижаларини кўрсатишича провитамин А – каротин ҳам ўсимликларнинг асосан баргида бўлиб, уларнинг миқдори ҳар хил вариантларда турлича бўлар экан. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, суғориладиган ва суғорилмайдиган майдонлардаги ўсимликларда гуллаш фазасида каротин энг кўп, аксинча вегетациянинг бошланиши ва уруғларнинг пишиш давларида кам миқдорда бўлиши аниқланди. Қанд моддасининг миқдори ҳам ривожланиш фазаларига кўра ўзгарувчан бўлиб, суғориладиган суғорилмайдиган майдонлардаги ўсимликларнинг мевалаш фазасида энг кўп бўлади. Ривожланишнинг барча давларида каротин ва қанд моддаларининг миқдори суғориладиган майдонда ва суғорилмайдиган майдонлардаги ўсимликларга нисбатан кўп

бўлиши аниқланди. Таъкидлаш лозимки ўсимликларни суғориладиган ёки суғорилмайдиган майдонларда экилишидан қатъий назар азотли ўғитлар қўлланилганда юқоридаги моддаларнинг ўсимлик танасида кўп тўпланишини кўриш мумкин. Умуман олганда ўсимликларда мочеви́на ва аммоний сульфат таъсирида аммоний селитрасига нисбатан юқорида кўрсатилган моддаларни кўп синтез қилиниши кузатилди. Магний элементи энг кўп миқдорда мевалаш фазасида бўлса, кам миқдорда вегетациянинг бошланиши ва ғунчалаш фазаларида кузатилди. Калий эса гуллаш фазасида анча кўп миқдорда учраса, вегетациянинг бошланишида деярли икки баробар кам миқдорда бўлиши аниқланди. Натрий миқдори ғунчалаш ва гуллаш фазаларига нисбатан мевалашда анча кам бўлади. Суғорилмайдиган майдонда ғунчалаш ва гуллаш фазаларида кальций, фосфор энг кўп миқдорда, лекин вегетациянинг бошланиш фазасида фосфор кам миқдорда бўлади. Олинган маълумотлар азотли ўғитлардан аммоний сульфат ҳамда мочеви́нани 150 кг/га миқдорда қўлланиши тиканли артишокдан чорва моллари учун юқори сифатли мўл ҳосил олиш имконияти яратилишидан далолат беради.

Хулосалар: 1. Сунга *scolymus* нинг ер устки қисмида протеин, углеводлар, каротин, азотсиз экстрактив моддалар, инулин, кальций, фосфор, калий, мис, темир ва бошқа элементлар етарли миқдорда мавжудлиги уни Республикамиз шароити учун қимматли, ноанъанавий доривор, озуқабоп ва ем-хашак ўсимлик сифатида фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. 2. Азотли ўғитлардан аммоний сульфат ва мочеви́нани 150 кг/га миқдорда қўллаш сабзавот, ем-хашак, манзарали ва доривор ўсимлик сифатида тиканли артишокдан юқори сифатли ва мўл ҳосил олишга имкон беради.

Адабиётлар: 1. Аликаев В.А., Петухов Е.А., Халенков Л.Д.Руководство по контролю кормов и полноценности кормления сельскохозяйственных животных.-М.: Колос, 1967.-186 с. 2. Нуралиев Ю. Лечебные свойства овощных, зернобобовых и дикорастущих съедобных растений // Лекарственные растения. Душанбе, Маориф, 1988, -С. 43-45. 3. Ҳайдаров Р.С. Артишок - растительный комбинат // Сельское хозяйство Узбекистана-Ташкент, -1972. -№ 7. -С.44-48.